


Рыжикнинг сувга бўлган талабини ишлаб чиқиш дала тажрибаси бўйича фенологик кузатув натижалари.

Т/р	Вариантлар	Униб чиқиш, сана	Чин барг чиқариш, сана	Поя шаклланиши, сана	Ғунчалаш бошланиши, сана	Гуллаш бошланиши, сана	Дуккаклан бошланиши, сана	Тўла пишиш, сана	Вегетация даври, кун
1	Нам суви (ФОН)	16 окт	21 окт	27 фев	17 мар	22 мар	30 мар	10 май	206
2	ФОН+1 сув	16 окт	21 окт	27 фев	17 мар	22 мар	30 мар	12 май	208
3	ФОН+2 сув	16 окт	21 окт	27 фев	17 мар	22 мар	1 апр	15 май	211
4	ФОН+3 сув	16 окт	21 окт	27 фев	17 мар	23 мар	1 апр	17 май	213
5	ФОН+4 сув	16 окт	21 окт	27 фев	17 мар	23 мар	2 апр	21 май	217
6	ФОН+5 сув	16 окт	21 окт	27 фев	17 мар	24 мар	2 апр	23 май	219



1-расм. Рыжикнинг “Пензяк” нави вегетация даврига суғоришлар сонининг таъсири.

Шунингдек, вегетация даври давомида 2 марта суғориладиган ФОН+2 сув вариантда 211 кунни, 3 марта суғориладиган ФОН+3 вариантда 213 кунни ташкил қилди. Энг кўп 4 ва 5 марта суғориладиган ФОН+4 сув 217 кун (16 октябрдан 21 майгача) ҳамда ФОН+5 сув вариантларда вегетация даври 219 кун (16 октябрдан 23 майгача) бўлди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, бошқа вариантлардагидан суғоришлар сони кўпроқ бўлган ФОН+5 сув вариантда вегетация даври энг узоқ, назорат вариантга нисбатан 13 кун, ФОН+1 сув вариантга нисбатан 11 кун, ФОН+2 сув вариантга нисбатан 8 кун, ФОН+3 сув вариантга нисбатан 6 кун ва ФОН+4 сув вариантга нисбатан 2 кун кўп давом этганлиги аниқланди.

АДАБИЁТЛАР:

1. Леонард Ч.Е. Рыжиковое масло: потенциальный источник линоленовой кислоты / Пер. из журн.: Inform. - № 9. - сентябрь. - 1998. - 6 с.
2. Лисицын А.Н., Григорьева В.Н. Расширение переработки семян крестоцветных культур и льна для северных регионов России // Масло-жировая промышленность. - 2000. - № 4. - С. 8-10.
3. Прахова, Т. Я. Рыжик посевной (Camelina Sativa (L.) Crantz): монография / Т. Я. Прахова. - Пенза: РИО ПГСХА, 2013. - 209 с.: ил.
4. Прахова, Т. Я. Рыжик масличный - ценная кормовая культура / Т. Я. Прахова // Кормопроизводство. - 2013. - № 8. - С. 45-47.
5. Чекмарев, П. А. Интродукция нетрадиционных масличных культур / П. А. Чекмарев, А. А. Смирнов, Т. Я. Прахова // Достижения науки и техники АПК. - 2013. - № 7. - С. 3-5.

УЎТ: 631.54

РИЖИК НАВЛАРИНИНГ ШОХЛАР СОНИГА ЭКИШ МЕЪЁР ВА МУДДАТЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ

Узақов Ғуломжон Оқбутаевич, қ/х.ф.ф.д., к.и.х.,
Аллаева Дилдор Хайитовна, таянч докторант,
Жанубий деҳқончилик илмий- тадқиқот институти,
Сафарова Нилуфар Воҳидовна, катта ўқитувчи,
“ТИҚХММИ”МТУнинг Қарши ирригация ва агротехнологиялар институти.

Аннотация: Мақолада рижик навларининг 1 туп ўсимлигидаги шохлар сонига экиш муддат ва меъёрларининг таъсири ўрганилганда, экиш муддатларининг кечикиб бориши ҳамда экиш меъёрларининг ошиб бориши 1 туп ўсимликдаги шохлар сонининг камайиб боришига олиб келган.

Калит сўзлар: рижик, “Пензяк”, нав, уруғ, экиш меъёри, муддати, шох, мой.

Аннотация: В статье при изучении влияния сроков и норм посадки на количество ветвей на 1 растение сортов рыжик было замечено, что задержка сроков посадки и увеличение норм посадки приводили к снижению количества ветвей на 1 растение.

Ключевые слова: Рыжик, Пензяк, сорт, семена, норма высева, срок посева, ветвь, масло.

Abstract: In the article, when the impact of planting period and norms on the number of branches per 1 plant of camelina varieties was studied, it was observed that the delay of planting periods and the increase of planting norms led to a decrease in the number of branches per 1 plant.

Key words: Camelina, Penzyak, variety, seeds, sowing rate, sowing time, branch, oil.

Мавзунинг долзарблиги. Республикамизда истеъмолаб-блиги, шифобахшлиги, мойлиги юқори бўлган ўсимликларга бўлган талаб янада ошиб бормоқда. Шу боис ноанъанавий мойли экинларни мамлакатимиз тупроқ иқлим шароитига мослаштириб етиштириш ҳамда аҳолини ўсимлик мойига бўлган талабини қондириш долзарб муоммолардан ҳисобланади. Айнан рижик мойи шифобахш кучи, озиқланиш қиймати ва таркиби жиҳатидан машҳур қарағай ёнғоғи ёғига ўхшайди. Таркибидаги организм учун зарур бўлган тўйинмаган ва тўйинган ёғ кислоталарнинг оптимал нисбати, шунингдек, омега-3 ва омега-6 концентрациясининг ортиши билан ажралиб туради. Е витамини миқдори бўйича рижик мойи садр, зигир уруғи, кунгабоқар ва хантал мойлари каби ўсимлик мойлари маҳсулотлари орасида етакчи ҳисобланади. Организмда синтезланадиган провитамин А нинг таркибига кўра, рижикдан олинган маҳсулот кунгабоқар ва соя мойидан устун туради. Рижик ўсимлиги уруғи таркибида 40-46% қуритилган мой бор. Рижик мойи озиқ-овқатда, тиббиётда, косметологияда кенг қўлланилади.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Кузги рижик мойли ўсимлик бўлиб, биологик хоссаларига кўра турли агроиқлим

шароитларида яшашга мослашувчи экин [1; 2]. Рижик совуққа ва қурғоқчиликка чидамлилиги, эрта пишиши билан ажралиб туради. Бу уни турли агроэкологик минтақаларда етиштиришга имкон беради [3; 4]. Шунга қарамай кузги рижикнинг мослашиш қобилияти уни уруғлик мақсадларида етиштириш учун илмий асосланган етиштириш агротехникаси билан бирлаштирилиши керак. Шу сабабли, республиканинг жанубий минтақаси шароитида рижикнинг мақбул суғориш тартибини ишлаб чиқиш долзарбдир.

Тадқиқот мақсади Республиканинг жанубий минтақаси суғориладиган ерларида кузги рижикнинг “Пензяк” ва “Карат” навларидан мўл ва сифатли ҳосил етиштириш, иқтисодий самарадорликни, рентабеллик даражасини оширишни таъминловчи етиштириш агротехнологиясини ишлаб чиқишдан иборатдир.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотлар Жанубий деҳқончилик илмий-тадқиқот институти Ғузор тажриба хўжалигида олиб борилган. Тупроқ, ўсимлик ва дон таркибидаги умумий NPK ва ҳаракатчан NPK миқдори, оқсил, натура, 1000 дон дон массаси Жанубий деҳқончилик илмий-тадқиқот институти лабораторияларида аниқланган.



1-расм. Рижик навларининг 1 туп ўсимлигидаги шохлар сонига экиш меъёр ва муддатларининг таъсири.

Таҳлил учун тупроқ намуналари «Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в плодородных хлопковых районах» (1963) усуллари бўйича олинган.

Гумус микдори И.В.Тюрин усулида (ГОСТ-26213); нитрат азоти-ион селектив усулида, ГОСТ-13496-10; умумий азот, фосфор ва калий битта намунада И.М.Мальцева, Л.П. Гриценко усулида; ҳаракатчан фосфор 1% аммоний карбонат эритмасида Б.П.Мачигин усулида; алмашинувчан калий оловли фотокалориметрда П.В.Протасов усулида; сувда эрийдиган тузлар ва қуруқ қолдиқ умумий қабул қилинган услубда, ГОСТ-26423-85, рН сувли сўримда потенциометр ёрдамида аниқланган.

Дала шароитида тупроқнинг зичлиги 500 см³ цилиндр ёрдамида Качинский усули бўйича; солиштира массаси пикнометрик усулида; тупроқнинг ғоваклиги ҳисоблаш усулида; тупроқнинг сув ўтказувчанлиги Качинский усулида бажарилган.

Дала ва лаборатория тажрибалари Бутунроссия Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институти услубий қўлланмаси (1985) асосида амалга оширилган. Фенологик кузатувлар ва биометрик таҳлиллар эса Қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш давлат комиссиясининг услубий қўлланмаси (1989) бўйича олиб борилган. Ўсимликнинг ўсиши, ривожланишини ўрганиш уруғларни дала унвчанлиги ва ўсимликларни туп қалинлиги: униб чиққанда ва ҳосилни йиғиштиришдан олдин тоқ қайтариқларда доимий кузатиш олиб бориладиган 0,5 м² майдончаларда, пайкалчани диоанали бўйича жойлашган 3 та жойида ҳисоблаб борилган.

Тадқиқот натижалари. Рижик ўсимлиги шохларининг шаклланишига экиш усуллари ва бошқа омиллар таъсир кўрсатади. Зич экилганда пояси юқори қисмидан 5-6 та ён шохлар ҳосил қилади ва сийрак экилганда эса тупроқдан 3-5 см юқорида шохланади.

Олиб борилган тадқиқотларимизда шохлар сони 10 октяб-

рда 8 млн.дона уруғ ҳисобида экилганда 1 туп ўсимликдаги шохлар сони "Пензяк" навида 7,5 та, "Карат" навида ўртача 7,8 тани ташкил этди (1-расм).

10 млн.дона уруғ ҳисобида экилганда 1 туп ўсимликдаги шохлар сони "Пензяк" навида 6,6 та, "Карат" навида ўртача 7,0 та, 12 млн.дона уруғ ҳисобида экилганда 1 туп ўсимликдаги шохлар сони "Пензяк" навида 5,2 та, "Карат" навида ўртача 5,5 та, 14 млн.дона уруғ ҳисобида экилганда 1 туп ўсимликдаги шохлар сони "Пензяк" навида 4,7 та, "Карат" навида ўртача 5,0 та ни ташкил этди.

Тадқиқотларда шохлар сони 20 октябрда 8 млн.дона уруғ ҳисобида экилганда 1 туп ўсимликдаги шохлар сони "Пензяк" навида 6,9 та, "Карат" навида ўртача 7,1 та, 10 млн.дона уруғ ҳисобида экилганда 1 туп ўсимликдаги шохлар сони "Пензяк" навида 6,3 та, "Карат" навида ўртача 6,5 та, 12 млн.дона уруғ ҳисобида экилганда 1 туп ўсимликдаги шохлар сони "Пензяк" навида 5,0 та, "Карат" навида ўртача 5,2 та, 14 млн.дона уруғ ҳисобида экилганда 1 туп ўсимликдаги шохлар сони "Пензяк" навида 4,6 та, "Карат" навида ўртача 4,7 та ни ташкил этди.

Тадқиқотларда шохлар сони 1 ноябрда 8 млн.дона уруғ ҳисобида экилганда 1 туп ўсимликдаги шохлар сони "Пензяк" навида 6,1 та, "Карат" навида ўртача 6,2 та, 10 млн.дона уруғ ҳисобида экилганда 1 туп ўсимликдаги шохлар сони "Пензяк" навида 5,5 та, "Карат" навида ўртача 5,6 та, 12 млн.дона уруғ ҳисобида экилганда 1 туп ўсимликдаги шохлар сони "Пензяк" навида 4,7 та, "Карат" навида ўртача 4,8 та, 14 млн.дона уруғ ҳисобида экилганда 1 туп ўсимликдаги шохлар сони "Пензяк" навида 4,4 та, "Карат" навида ўртача 4,5 та ни ташкил этди.

Хулоса шуки, Республиканинг жанубий минтақаси шароитида рижик ўсимлиги навларининг 1 туп ўсимликдаги шохлар сонига экиш меъёр ва муддатлари таъсир кўрсатади ва экиш муддатларининг кечикиб бориши ҳамда экиш меъёрларининг ошиб бориши 1 туп ўсимликдаги шохлар сонининг камайиб боришига олиб келади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Buyankin V. I., Prakhova T. Ya. Camelina oilseed (Camelina sp. (L). Volgograd: LLC «SPHERE», 2016. - 116 p.
2. Turina E. L., Kulnich R. A., Molar S. A. Peculiarities of cultivation of Camelina sylvestris in Crimea / Taurida Herald of agricultural science. 2016. -№ 4 (8). P. 63-71.
3. Ryabtseva N. A. Opportunities of cultivation of Camelina sylvestris Waller in the Rostov region // Agriculture, forestry and water management. 2015. № 1 (40). P. 14-17.
4. Bryan R. Moser Camelina (Camelina sativa L.) oil as biofuel feedstock: Golden opportunity or false hope? // Lipid Technology. 2010. - № 12. Vol. 22. P. 270-273. (DOI 10.1002/lite. 201000068).

UO'T: 635.153.631.5

BRYUSSEL KARAMI NAV NAMUNALARINING BIOMETRIK KO'RSATKICHLARI

N.J.Nurmatov, q.x.f.d.,

N.A.Xudoyberdiyeva, magistrant,

Termiz agrotehnologiyalar va innovatsion rivojlanish instituti.

Annotation. This article describes the results of the research on the biometric indicators of Brussels sprout varieties and the selection of varieties suitable for the soil and climate conditions of Surkhondaryo region.

Key words: brussels sprouts, plant height, leaf weight, total biomass of the variety, vegetative mass.

Qishloq xo'jaligi ekinlaridan yuqori hosil olishning asosiy shartlaridan biri to'g'ri nav tanlash hisoblanadi. Shu bilan birga, ma'lum bir hududning tuproq-iqlim sharoitiga mos navlarni

tanlash yer, moddiy-texnik va mehnat resurslaridan ratsional foydalanish imkonini ham beradi.

Qishloq xo'jalik ekinlari navlarining xususiyatlarini namoyon